

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВА ГУЛБАХОР МАКСУДОВНА

**ҒАЛЛАНИНГ ЗАРАРЛИ ХАСВА ВА ЗАНГ КАСАЛЛИГИ БИЛАН
ЗАРАРЛАНИШ ДАРАЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТИЗИМИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Мусаева Гулбахор Мақсудовна Ғалланинг зарарли ҳасва ва занг касаллиги билан зарарланиш даражаларини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш.....	3
Мусаева Гулбахор Мақсудовна Разработка системы определения степени зараженности зерновых культур вредной черепашкой и ржавчиной.....	19
Musaeva Gulbakhor Maksudovna Production of the system to determine the damaging degrees with grain Eurygaster integriceps and Puccinia striiformis diseases	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВА ГУЛБАХОР МАКСУДОВНА

**ГАЛЛАНИНГ ЗАРАРЛИ ХАСВА ВА ЗАНГ КАСАЛЛИГИ БИЛАН
ЗАРАРЛАНИШ ДАРАЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТИЗИМИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx355 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Яхьяев Хашим Касимович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Торениязов Елмурат Шерниязович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Исамиддинов Илхом Тулаевич қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «3» декабрь, соат 15-³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (541512-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «22» октябрь даги 09.4 -рақамли реестр баённомаси).



Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.и., профессор

Э.Т.Бердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида бугдой ўсимлиги муҳим донли ва ем-хашак экини бўлиб, йилига 230 млн. гектар атрофида экилиб келинади. Унинг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 28-30 центнерни, ялпи ҳосил эса 600 млн. тоннани ташкил этмоқда. ФАО нинг маълумотларига кўра дунё аҳолисини дон ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун етиштириладиган дон ҳосили миқдорини йилига 2-2,5% га орттириш талаб этилади¹. Шунга кўра, етиштириладиган бугдой ҳосилини зараркунанда ва касалликлар зараридан ҳимоя қилиш ва бу соҳада замонавий ахборот технологияларини қўллаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳонда аҳоли сонининг ортиб бориши, дон ва ун маҳсулотлари ҳажмини янада кўпайтириш ва сифатли маҳсулотлар билан доимий таъминлаш, ҳосилдорликни ошириш, касаллик ва зараркунандалар келтирадиган зарарни камайтиришда қатор муаммолар юзага келмоқда. Етиштириладиган дон маҳсулотларининг ўртача 30-40% зараркунанда ва касалликлар таъсирида нобуд бўлиши бу зарарли организмларга қарши кураш тизимини такомиллаштиришни талаб этади¹. Шунга кўра, дон маҳсулотларини етиштиришда зарарли организмларига қарши курашиш, соҳада замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, тегишли ахборотларни тез ва талаб этиладиган даражада тўплаш, уларни қайта ишлаш ҳамда шулар асосида мақбул қарорлар қабул қилиш ва уларни фойдаланувчига етказиб бериш жараёнларини автоматлаштириш керак.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар бугдой навларини етиштириш харидоргир дон ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳажмини ошириш...» энг муҳим вазифа қилиб белгиланган². Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, бугдойни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, башоратлаш ва уларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги 116-II-сон «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 571-сон қароридан келтирилган ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, зараркунандалар ва бегона ўтларга қарши курашиш, агрокимёвий хизмат кўрсатиш ва тупроқни муҳофаза қилиш

¹www.fao.org. 2016.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

бўйича тизимли чора тадбирларни амалга ошириш, «Ақлли қишлоқ хўжалиги» технологияларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштиришга йўналтирилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мақсадида хорижий давлатлар, халқаро ва чет эл ташкилотлари ҳамда жамғармаларини жалб этади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур муаммо дунёнинг ривожланган АҚШ, Германия, Франция, Россия, ХХР, Хиндистон ва Осиё мамлакатларининг етакчи олимлари томонидан бугдой ва бошқа дон экинлари етиштириладиган ҳудудларда ўрганилган, жумладан, J.Dinger, S.Hammad, L.Gavrilita, J.Klun, A.Spark, A.Burns, R.Mungomery, F.Paulian, А.Фролов, В.Войняк, Е.Хачатурова ва бошқалар. Республикамиз олимларидан Н.Махмудхўжаев, М.Рашидов, Б.Хасанов, А.Хамраев, А.Шералиев ва бошқалар шу соҳада сезиларли илмий изланишлар олиб борганлар.

Бирок, мамлакатимиз ҳудудларида бошоқли дон экинлари зарарқунанда ва касалликлари зарари юқори бўлишига қарамасдан уларга қарши курашда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, башоратлаш ва математик моделларни ишлаб чиқишда зарарли организмлар миқдорини бошқариш усуллари бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бугдойнинг зарарқунанда ва касалликлари ривожланишини автоматлаштирилган ҳолда башоратлаш ва экологик мониторинг тизимларини замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш масалалари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам тадқиқ қилинмаган бўлиб, долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали ва Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқотлар режасининг ҚХА-10-090 «Ўсимликларни ҳимоя қилишда ахборот технологиялари тизимини яратиш, ташхислаш, прогнозлаштириш, режалаштириш; бошқариш» (2009-2011 йй.), ҚХА-09-106-2015 «Қишлоқ хўжалик экинлари ва уларнинг фитосанитар ҳолатини назорат қилиш ва баҳолашнинг

автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг иқлим шароитида бугдойнинг асосий зараркунандаси зарарли хасванинг ривожланиши ва тарқалишини, занг касаллигини зарарланиши ва тарқалиши мумкин бўлган майдонлар ҳажмини прогноزلаш ва автоматлаштирилган мониторинг тизимини, унинг асосида химоя тадбирлари режаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бугдойни зарарли организмлардан химоя қилишда автоматлаштирилган прогноزلашнинг асосий хоссалари ва хусусиятларини аниқлаш;

ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш технологиясининг концептуал асосларини ва автоматлаштирилган тизимнинг ахборот таъминотини ишлаб чиқиш;

бугдойни зарарли организмлардан химоя қилишда химоя воситаларига бўлган талабларни жорий ва кўп йиллик режалаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

бугдойнинг асосий зараркунандаси зарарли хасванинг ва сариқ занг касаллигининг ривожланиши ва тарқалишини автоматлаштирилган прогноزلаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон шароитида галлачиликка катта зарар етказаётган зарарли хасва (*Eurygaster integriceps*) ва сариқ занг касаллиги (*Puccinia striiformis*) олинган.

Тадқиқотнинг предмети математик моделлаштириш, замонавий ахборот технологияларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар ўсимликларни химоя қилишда қабул қилинган усуллар ёрдамида олиб борилган. Бунда В.В.Яхонтов фенокалендар тузиш усуллари ҳамда бир қатор олимлар Г.Я.Бей-Биенко, Г.Я.Бондаренко, Н.В.Глуценко услублари ёрдамида бажарилган. Касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг тарқалиши М.К.Хохряков, Б.А.Хасанов усуллари ёрдамида олиб борилган. Кимёвий дориларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда Ш.Т.Хўжаев, Б.А.Хасанов услубий кўрсатмасидан ва Abbot формуласидан фойдаланилган. Олинган натижаларнинг дисперсион таҳлили Б.А.Доспехов тавсия этган усулларида фойдаланиб амалга оширилган. Бугдойнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кимёвий курашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда А.Ф.Ченкин ва Х.К.Яхьяев усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, бугдойнинг асосий зараркунандаси зарарли хасвани ривожланиши ва тарқалишини башорат қилишнинг мониторинг тизими ишлаб чиқилган;

зарарли хасванинг ривожланиш муддатларига аниқлик киритилиб, улар ривожланишининг фенологик календарлари тузилган, об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ривожланиши, тарқалиши ва зарар келтириш даражалари аниқланган;

зарарли хасва ва занг касаллигига қарши кураш чоралари такомиллаштирилган ва уларнинг биологик ва иқтисодий самаралари баҳоланган;

ғалла экинларини зарарли хасва ва занг касаллигидан ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёжни режалаштириш меъёрлари ишлаб чиқилган;

ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун Android типдаги мобил телефонларида ишлайдиган, зарарли хасванинг пайдо бўлиш муддатлари, зарар келтириш даражасини аниқловчи ва уларга қарши кураш чораларини ифодаловчи мобил илова ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномаси олинган ҳамда ундан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

зарарли хасва ривожланишининг мониторинг тизимини қўлланилиши ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилотларининг хизматчиларига кураш усулларини ва муддатларни белгиловчи илмий асос бўлиб хизмат қилади. У экинларни ўз вақтида ҳимоялашга ва унга ишлов бериш сонини камайтиришга имкон яратган;

мониторинг тизими ғаллада зарарли хасва ва занг касаллигининг ривожланиши тўғрисидаги кундалик, ўн кунлик, ойлик ва йиллик маълумотларни; зарарланган ва ишлов берилган майдонлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва тегишли қарорлар қабул қилишга хизмат қилади. Бу маълумотлар асосида ўн кунлик, ойлик хариталар ва йигма жадваллар тузилади ва улар зарарли хасвани ривожланиши ва тарқалишини назорат қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги ва таҳлил қилинганлиги, экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; фермер хўжалиги ходимлари ва кишлок хўжалиги мутахассислари учун ишлаб чиқилган зарарли хасванинг пайдо бўлиш муддатлари, зарар келтириш даражасини аниқловчи мобил телефонлар учун иловани жорий қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида (№ DGU 05284) рўйхатдан ўтказилганлиги; тадқиқот натижалари Республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, сертификат ва дипломлар олинганлиги ҳамда Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бугдойнинг асосий зараркунандаси зарарли хасва ва касаллиги сариқ занг таъсирининг мониторинги ва башоратлаш тизимининг қўлланилиши соҳа ташкилотларининг мутахассисларига кураш усуллари ва муддатларини белгиловчи илмий асос бўлиб, у бугдойни ўз вақтида ҳимоялашга ва унга ишлов бериш сонини камайтиришга имкон яратиши билан ифодаланadi.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти галла экинларининг асосий зараркунанда ва касалликларига қарши кураш усулларини кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўллаш бўйича ўтказилаётган ҳимоя тадбирларининг юқори иқтисодий ва биологик самарадорликлари билан асосланганлигидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғалланинг зарарли хасва ва занг касаллиги билан зарарланиш даражаларини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Зарарли хасва пайдо бўлишини олдиндан аниқлаш» ва «Занг замбуруғининг ривожланиши ва зарарлаш даражасини аниқлаш» Android типдаги мобил телефонларида ишлайдиган дастурлар ёрдамида бугдойнинг асосий сўрувчи зараркунандаси зарарли хасванинг ривожланиши, тухум қўйиш ва личинкаларнинг чиқиш муддатлари ва занг касаллиги билан зарарланиш даражаларини аниқлаш дастури Андижон вилоятининг Улуғнор, Олтинкўл, Жалакудук ва Кўргонтепа туманлари фермер хўжаликларининг 694 гектар бугдой майдонларида жорий этилган («Ўзагрокимёҳимоя» акционерлик жамиятининг 2020 йил 4 февралдаги 03-12/91-сон маълумотномаси). Натижада зараркунанда ва касалликка қарши ўтказиладиган ишловлар сонини камайтиришга эришилган;

Андижон вилоятининг Улуғнор, Олтинкўл, Жалакудук ва Кўргонтепа туманлари шароитида зарарли хасва тухумларига қарши 2018 йил 10-18 апрелда, 2019 йил 9-19 апрелда олтинкўз энтомофаги қўлланилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги № 02/025-205-сон маълумотномаси). Натижада зарарли хасва тухумлари ва личинкаларига қарши олтинкўз энтомофаги қўлланилганда биологик самарадорлик 81-87,7% бўлишига эришилган;

кузги бугдойнинг «Чиллаки», «Таня», «Васса», «Бобур», «Андижон-4», «Краснодарская-99», «Гром», «Асп» навларига DRUNK 300 EC 33% к.э. фунгицидининг 0,2 л/га меъёри билан ва Grizli 10% к.э. инсектицидининг 0,1 л/га меъёри билан сариқ зангга ва зарарли хасвага жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги № 02/025-205-сон маълумотномаси). Натижада занг касаллигига DRUNK 300 EC 33% к.э. фунгициди қўлланилганда 87-90% ни, зарарли хасвага Grizli 10% к.э. инсектициди қўлланилганда 87-95,3% ни, 1 гектар майдондан 1-6 центнергача ҳосил сақлаб қолинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 9 та, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 4 таси республика, 4 таси хорижий илмий журналларида ва 1 таси импакт факторга эга бўлган хорижий журналда нашр этилган ҳамда дастурий таъминот учун гувоҳнома (№ DGU 05284) олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ғалланинг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш чоралари (адабиёт шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича хорижда ва Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида адабиётлар шарҳи баён этилган. Бунда кўтарилган муаммонинг ҳозирги ҳолати, ғалла экинларини зарарли организмлардан ҳимоялаш масалалари, ҳамда уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда ахборот технологияларини қўллаш имкониятлари, бу борада ўтказилган тадқиқотларнинг ҳолати ва мавжуд муаммолар дастаси аниқлаб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиладиган жой ва услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг (Андижон вилоятининг туманлари) иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ҳамда иш услублари ишлаб чиқилган.

Бобда тадқиқотда ишлатилган, турли мақсадларни кўзлаган усул ва услублар келтириб ўтилган. Ғалла экинлари асосий зараркунандаси зарарли ҳасва ва касаллиги сариқ зангнинг ҳолатини башоратлаш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш усуллари ва бу усуллардан уни ҳимоя қилишда фойдаланиш йўллари келтирилган.

Диссертациянинг «Ғалланинг асосий зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлари ҳамда уларга қарши кураш усуллари» деб номланган учинчи бобида унинг ҳаммахўр ҳашаротлари - чигиткалар, кўнгизлар, тунламлар, шунингдек ғаллага ихтисослашган ҳашаротлардан зарарли хасва, шиллиқ курт, шира ва трипслар, поя арракаши, гессен ва швед пашшалари, сим куртлар жиддий зарарлаши ва буларнинг барчасига қарши самарали курашиш учун энг аввало экинни парвариш тадбирларини тўғри йўлга қўйиш зарурлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Қисқа муддатли алмашлаб экиш, экинлар навбатланишини таъминлаш, сифатли шудгор, ерни экишга яхши тайёрлаш, чидамли, эртапишар серҳосил навларни танлаб, уларнинг сараланган уруғини энг мақбул муддатларда сифатли экиш, вақтида суғориш ва соғлом кўчат олиш, бегона ўтлардан тоза сақлаш, яхши озиклантириш ва бошқа тадбирларни тўғри ташкил қилиш ҳашаротлар миқдорини чеклайдиган муҳим омиллар эканлиги тўғрисидаги масалалар ёритиб берилган.

Зарарли хасва (*Eurygaster integriceps*) дунёда кенг тарқалган бошоқли дон экинлари учун хавfli бўлган сўрувчи ҳашарот бўлиб, ғалла майдонларида кўп миқдорда учрайди. Катталиги 10-12 мм йилига бир авлод бериб кўпаяди. Қишловни вояга етган ҳолда хас-чўплар тагида, тоғ тошлар орасида ўтказади. Март ойининг 2-ярмидан ғаллазорларга учиб келади. Кўп ўтмай майса баргларига икки қатор қилиб, 8-14 тадан оч-яшил, шарсимон тухумларини қўя бошлайди. Бу жараён 20-25 кун давом қилади. Ургочи хасва 180-300 тагача тухум қўяди. Тухумдан 7-10 кунда ёш хасвачалар пайдо бўлади. Улар поя ва барг ширасини сўриб овқатланади. Хасва личинкаси ривожланиш даврида беш ёшни ўтайди ва 30-40 кунда вояга етади, шу ҳолда қишлайди.

Зарарли хасва катта ёшга ўтгач бошоқдаги дон ширасини сўриб зарар келтиради. Кучли зарарланиш оқибатида ғалла бошоғи қуриб, оқариб, донсиз (пуч) бўлиб қолади. Одатда дон сут ва мум пишиш даврида зарарланса уруғ бужмайиб, сийқалашиб, говак бўлиб қолади. Доннинг сифат кўрсаткичлари (клейковина, оксил ва бошқалар) пасаяди, унинг унувчанлиги 50% гача камаяди. Шу боис катта 4-5 ёшдаги ва вояга етган хасва ҳосил учун айниқса хавfli. Улар дон ҳосилини 5-10 фоиздан 20-30% гача камайтриши мумкин.

Зарарли хасвага қарши курашишда унинг мавсумий миқдор ўзгаришига, ҳаёт тарзи ва ривожланиш хусусиятига эътибор бериш амалга ошириладиган тадбирларнинг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Зарарли хасвани Андижон вилоятининг ҳудудлари бўйича ривожланиш муддатларини аниқлаш мақсадида ўтказилган мониторинг (2017-2019 йй.) бўйича олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки зарарли хасванинг тўлиқ авлоди учун 540°C фойдали ҳароратлар йиғиндиси керак. Бундан ташқари зараркунанданинг ривожланиш муддатлари ҳам вилоят

худудига қараб турлича (тухум қўйиш муддати текисликда жойлашган туманларда 10 апрелда, паст текистликдаги туманларда 12 апрелда, тоғ олди туманларида эса 18 апрелда) бўлади.

1-жадвал

Зарарли ҳасванинг Андижон вилояти ҳудудлари бўйича ривожланиш муддатларини фойдали хароратлар йиғиндиси ёрдамида аниқлаш, 2017-2019 йй.

Зараркунанданинг ривожланиш муддатлари	Фойдали хароратлар йиғиндиси	Ҳудудлар бўйича ҳасванинг ривожланиш кунлари		
		текисликда	паст текистликда	тоғ олдида
Учишдан тухум қўйишгача	70	10.IV	12.IV	18.IV
L=2-ёш личинкалари	150	23.IV	25.IV	30.IV
L=3-5-ёшлари	320	13.V	18.V	25.V
Тўлик авлод учун	540			

Зарарли ҳасванинг табиий энтомофаглари таркибига аниқлик киритиш, уларга қарши биологик кураш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида 2016-2018 йилларда Андижон вилояти туманларидан йиғиб келинган зараркунанданинг зарарланган тухумлари лаборатория шароитида кузатишган.

Олтин кўз фойдали ҳашаротининг зарарли ҳасва тухумлари ва личинкалари билан озиқланиш даражасини аниқлаш мақсадида 2016-2018 йиллар мобайнида лаборатория тажрибалари ўтказилган. Ушбу тажрибалар натижалари 2-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики олтин кўз личинкалари бир кунда ўрта ҳисобда 6 та зарарли ҳасва тухуми ва 8 та личинкаси билан озиқланар экан. Олтин кўз личинкалари беш кун оралиғида зарарли ҳасва тухумларини ёки личинкаларини еб битирар экан.

2-жадвал

Олтин кўз личинкасини зарарли ҳасва тухуми билан озиқланиши (Лаборатория тажрибаси, 2016-2018 йй.)

Олтин кўз личинкасини зарарли ҳасва нисбати	Зарарли ҳасва тухуми (4 қайтаришда), дон	Зарарли ҳасва тухумларининг ейилиши, кунларга % ҳисобида			
		3		5	
		тухум	%	тухум	%
1 : 5	40	16	40,0	36	90,0
1 : 10	42	13	30,9	32	76,1
1 : 15	56	10	17,8	38	63,3
1 : 20	84	12	24,9	47	55,9
1 : 25	70	12	17,1	38	54,2
1 : 30	70	10	14,4	28	40,0
Назорат	28	0		0	

Республикамиз шароитида сариқ занг касаллиги бугдойда кенг тарқалган. Бугдой майсалари бу касаллик билан об-хаво шароитига қараб куз ва қиш ойларида (кузда ҳаво илиқ ва сернам келса) ва баҳор ойларида зарарланган. Бу касалликнинг ривожланишига эрта баҳорда об-ҳавонинг қулай (15-20°C) ҳамда серёгин келиши сабаб бўлган. Бундан ташқари жуда эрта муддатларда экиш, касалликка чидамсиз навларни кўпроқ жойлаштириш, азотли ўғитларнинг бир томонлама (фосфорли ва калийли ўғитларга нисбатан) кўп меъёрда солиш ҳам касалликнинг ривожланишига сабаб бўлган.

Республикамизда давлат кимё комиссияси рўйхатида мавжуд фунгицидлар ичидан бугдойнинг сариқ занг касаллигига қарши юқори самаралиларини ажратиб олиш мақсадида тажрибалар ўтказилган. Тажрибалар натижалари 3-жадвалда келтирилган. Бугдойни фунгицидлар билан ишлов беришдан олдин ундаги касаллик белгилари асосан пастки ва поянинг ўрта қисмидаги барглarda кузатишган. Бугдойда дорилашдан аввал сариқ занг касаллигининг тарқалиши 52,3-62,8% бўлганлиги, Энтоликур 25,5% фунгициди билан дорилангандан сўнг 21 кун ўтгач бу кўрсаткич 0,8-5,3% ни ташкил қилгани қайд этилган. Назоратда эса касалликнинг тарқалиши 77,6% га, эталон вариантыда эса (Альто супер) 24,3% бўлган. DRUNK 300 EC фунгицидининг биологик самарадорлиги гектарига 0,2 л ишлатилганда 98,8% га тенг бўлган.

3-жадвал

Андижон вилоятида бугдойнинг сариқ занг касаллигига ва ҳосилдорлигига DRUNK 300 EC фунгицидининг таъсири (Андижон дон ва дуккакли экинлар ИТИ, 2018-2019 йй.)

Кўрсаткичлар	Нazorат	Альто супер 33% э.к. (эталон)	Энтоликур 25,5% э.к.	DRUNK 300 EC
Дорилашдан олдин:				
касал ўсимликлар, %	63,0	61,1	53,2	55,4
касалланиш даражаси, %	5,1	4,8	5,3	5,0
Дорилашдан 21 кундан сўнг:				
касал ўсимликлар, %	78,8	5,9	5,6	3,3
касалланиш даражаси, %	28,0	0,8	0,2	0,1
биологик самарадорлик, %	-	91,2	93,3	97,1
1 м ² даги ҳосил поялари, донa	265,6	292,1	292,8	268,5
1 бошқдаги дон оғирлиги, г	1,07	1,18	1,16	1,12
1 м ² даги дон ҳосили, г	284,2	344,7	339,6	354,4
Нazorатга нисбатан дон ҳосили, %	100	121,3	119,5	124,5
1000 та дон оғирлиги, г	30,5	33,2	32,3	34,3

Диссертациянинг «Ғалланинг асосий зарарқуандалари ривожланиши ва тарқалишини автоматлаштирилган башоратлаш

тизими» деб номланган тўртинчи бобида ғалла экинларининг асосий зарарли организмлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг концептуал асослари, бугдойнинг асосий зараркунанда ва касалликлари ривожланиши ва зарарланиш даражаларининг мониторинги ва башоратлашнинг йўллари ва усуллари, мониторинг тизимининг ахборот таъминоти каби масалалар ёритиб берилган.

Ғалла экинининг асосий зараркунандалари ривожланиши ва уларга қарши кураш муддатларини башоратлашнинг автоматлаштирилган тизимининг асосини бир-бири билан марказий компьютер орқали боғланган хусусий тармоғ ташкил қилади. Кунлик об-ҳаво маълумотлари гидрометеорология маркази станцияларидан марказий компьютерга тушиб, маълумотлар базасига юборилади. Об-ҳаво кўрсаткичлари асосида ғалланинг асосий зараркунандаси (зарарли ҳасва) ва касаллиги (сарик занг) пайдо бўлиш муддатлари аниқланиб, ўсимликларни химоя қилиш туман отрядлари ва фермер хўжалиги раҳбарлари мобил телефонларига СМС хабарнома тарзида етказиб турилади (ушбу муддатларни аниқлашнинг Android типигаги мобил телефонлар учун ишлаб чиқилган иловаси мавжуд). Бу маълумотлар асосида эса курашнинг оптимал муддатлари аниқланади ва химоя ишлари ташкил қилинади.

Ушбу муддатларни аниқлашнинг «Excel» да компьютер дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастур асосида Андижон вилоятининг туманлари бўйича зарарли ҳасванинг ривожланиш муддатлари ва уларга қарши кураш ўтказишнинг оптимал муддатлари аниқланган. Андижон вилояти туманларида зарарли ҳасванинг етук ҳашаротлари тухум қўйиш учун етилиш муддатлари 2017 йилда 15-18 март кунларига тўғри келган. Вилоят ўсимликларни химоя қилиш маркази ҳисоботларида эса, аввалги йилларда, бу муддат асосан апрел ойининг 2-ўн кунлигига тўғри келган. Бунинг асосий сабаби 2017 йилнинг об-ҳаво шароити ҳисобланади. Аввалги йилларда (2017 йилгача) об-ҳавонинг ўртача кўрсаткичи 10°C дан (бу зарарли ҳасва ривожланишининг чегараси) март ойининг охириги ўн кунликларида юкори бўлган бўлса, 2017 йилда эса 1-ўн кунликнинг бошидаёқ ўртача ҳаво ҳарорати 14,6-14,9°C ни ташкил қилган. Натижада 1-ёш ҳасвалар ҳам, аввалги йилларга нисбатан бир мунча эрта, 12-16 апрел кунлари пайдо бўлди. Вилоят туманларида 2-ёш ҳасвалар 20-23 апрел кунлари, етук зот ҳасвалар эса 28 апрел-2 май кунлари пайдо бўлган. Ушбу муддатлар етук зот ҳасваларнинг пайдо бўлган кунлари ғалланинг тўлиқ пишиш муддатлари билан мос келади. Бу эса етук зот ҳасваларни тўлиқ озикланиб кишловга кетиши учун етарлидир.

Диссертациянинг «Ғаллани зарарли организмлардан химоя қилишнинг иқтисодий асослари ва химоя тадбирларини режалаштириш» деб номланган бешинчи боби бугдойни зарарли ҳасва ва сарик занг касаллигидан химоя қилишда ишлатилган химоя усулларининг биологик самараси ва иқтисодий самарадорликлари таҳлил қилинган. Бугдойнинг зарарли организмлари таъсири ва уларнинг келтирадиган зарари натижасида йўқотилиши мумкин бўлган ҳосил миқдори уларнинг зарар

келтириш даражасига бевосита боғлиқ. Шундай экан уларга қарши ўтказиладиган химоя усулларини (агротехник, кимёвий, биологик, микробиологик ва б.) тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда, амалиётда йўқотилиши мумкин бўлган ҳосил миқдорини, зарар келтириш даражасини ҳисобга олмаган ҳолда фақат кимёвий кураш чоралари қўлланиб келинган. Бу эса ўз навбатида ўсимликларни химоя қилишнинг илмий асосланган кураш чораларини бузилишига, атроф муҳитни ифлосланишига олиб келган. Буларга йўл қўймаслик учун эса ўсимликларни химоя қилишнинг уйғунлашган тизимига, яъни агротехник, биологик ва кимёвий кураш усулларидан бирини илмий ва иқтисодий томондан асосланган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Буғдойдаги зарарли ҳасвага қарши 2017 ва 2018 йилларда Андижон дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг тажриба майдонларида изланишлар ўтказилди. Тажриба натижалари 4-жадвалда келтирилган бўлиб, унда зараркунандага қарши Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссиясининг фойдаланиш учун рухсат этилган ва янги синалаётган кимёвий дориларидан фойдаланилган.

4-жадвал

Зарарли ҳасвага қарши ишлатилган препаратларнинг биологик самарадорлиги (Андижон дон ва дуккакли экинлар ИТИ, 2018-2019 йй.)

Тажриба вариантлари	Сарф меъёри, л/га	Ўртача ҳасвалар сони				Биологик самарадорлик кунлар бўйича, %		
		дори сепишдан олдин	Дори сепишдан кейин, кунлар бўйича			3	7	14
			3	7	14			
Назорат (ишловсиз)	-	49	53	55	57	-	-	-
Далатэ 5% к.э.	0,2	54	16	14	12	70,3	74,0	77,8
Багира 20% к.э.	0,1	56	18	15	11	68,0	73,2	80,3
Гризли 10% к.э.	0,05	55	10	7	5	81,8	87,2	91,0
ЭКФ ₀₅ =						1,8	0,9	2,1

Тажрибаларда Далатэ 5% к.э. (0,1 л/га), Багира 20% к.э. (0,1 л/га), Гризли 10% к.э. (0,05 л/га) препаратлари билан ишлов ўтказилди. Далатэ 5% к.э. (0,1 л/га) қўлланилганда ишловдан кейинги 3-кунда 70,3% биологик самара берди. Бу кўрсаткич ишловдан кейинги 7-14 кунларда 74,0-77,8% ни ташкил этди. Тажрибаларда зарарли ҳасвага қарши икки хил давомли таъсир этадиган инсектицидларни қўллаб, қуйидаги натижаларга эришилган (5-жадвал). Тажрибаларда Далатэ 5% к.э. (0,2 л/га) қўлланилганда ишловдан кейинги 3-кунда 87,0-91,2% биологик

самара берган. Бу кўрсаткич ишловдан кейинги 7-кунда 95,3-96,2 % ни, 14-куни 93,8-94,8% ни ташкил этган. Багира 20% э.к. препарати 0,1 л/га сарф меъёрида ишлаганимизда ишловдан кейинги 3-кунида 87,6-89,8%, 7-куни 98,2-94,8%, 14-куни эса 94,1-92,8% биологик самарага эришилган.

Қайтариқлар бўйича ўртача биологик самарадорлик 1-вариантда 3-куни 89,7, 7-куни 96,6 ва 14-куни 94,8% ни ташкил этган бўлса, 2-вариантда 3-куни 89,3, 7-куни 97,1 ва 14-куни 94,2% га етган.

Республикаимизда бугдойда асосан уч хилдаги - сариқ, қўнғир ва поя занг касалликлари учрайди. Бугдойни занг касалликларидан химоя қилиш жуда муҳим ҳисобланади, чунки бу касалликлар катта майдонларга жуда тез тарқалиб, ҳосилга жиддий зарар келтириши мумкин. Булардан энг хавфлиси сариқ занг касаллиги бўлиб, у бугдой баргларини зарарлайди. Натижада фотосинтез жараёни бузилади, илдизлар заифлашади, сув ва озуқа моддаларни ўзлаштириш сусаяди, бошоқлар сони кескин камаяди, дон пуч бўлиб қолади ва ялли ҳосил сезиларли даражада камаяди.

Сариқ занг билан зарарланган майдонларни самарали фунгицидлар билан химоялаш мақсадида 2017-2019 йилларда Андижон дон ва дуккакли экинлар ИТИ нинг тажриба майдонларида изланишлар ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари 5-жадвалда келтирилган. Бугдойнинг сариқ занг касаллигига қарши қўлланилган фунгицидлардан энг юқори самарадорликни DRUNK 300 EC э.к. фунгициди берди. Бунда бугдойдан олинган соф фойда 3519200 сўмни, рентабеллик эса 96,5% ни ташкил қилган.

5-жадвал

Занг касаллигига қарши ишлатилган фунгицидларнинг биологик самараси (Андижон дон ва дуккакли экинлар ИТИ, 2018-2019 йй.)

№	Тажриба вариантлари	Сарф-меъёри, л/га	Касаллик тарқалиши, %	Касаллик ривож, %	Биологик самарадорлик, %
1.	Назорат		26	10,0	-
2.	Альто супер 33% э.к	0,4	11,5	4,0	77,4
3.	Энтоликур 25,5% э.к	0,5	12,5	3,5	80,4
4.	DRUNK 300 EC	0,2	12,0	3,1	87,7

Ғалланинг зарарли организмларига қарши ўтказиладиган химоялаш ишловларининг ҳажмларини оқилона режалаштириш экинларни профилактик химоялашнинг муҳим омилларидан биридир. Республикаимиз шароитларида ғалла экинининг зарарли организмларига қарши ўтказиладиган химоялаш ишловларининг ҳажмларини режалаштиришнинг иккита турини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Булар бир йилга ёки мавсумга мўжалланган, жорий ва узоқ муддатларга

мўлжалланган кўп йиллик режалаштириш турларидир. Режалаштиришнинг бу иккита тури ҳам ғалланинг зарарли организмларининг тарқалиши ва ривожланишининг тегишли прогнозларига таянади. Аммо, химоялаш ишловлари ҳажмларини режалаштириш учун санаб ўтилган прогнозларнинг ҳар бири дастлабки шарт сифатида хизмат қилади ва шу билан бирга бошқа маълумотларни ҳам ҳисобга олишни тақазо этади. Шунинг учун ғалланинг зарарли организмлари тарқалиши ва ривожланишини прогнозлаш ёки уларнинг иқтисодий зарар келтириш даражасини камайтириш химоялаш ишловлари ҳажмларини режалаштиришда пайдо бўладиган муаммолар мажмуини тўлиқ ҳал этишнинг ягона асоси эмас.

ХУЛОСАЛАР

1. Ғалланинг зарарли организмларининг ривожланиши ва тарқалишини замонавий ахборот технологиялари ва компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда башоратлашнинг экологик мониторинг тизимини ишлаб чиқиш зарурияти асослаб берилди.

2. Ғалла экинининг зараркунанда ва касалликлари ривожланиши ва тарқалишида автоматлаштирилган мониторинг ва башоратлаш тизимининг характерли хусусиятлари аниқланди.

3. Ахборотлар ва ахборот таъминоти автоматлаштирилган тизимига маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш технологиясининг концептуал асослари ишлаб чиқилди.

4. Ғалланинг асосий зараркунандаси зарарли хасва (*Eurygaster integriceps*) ва касаллиги сариқ занг (*Puccinia striiformis*) ривожланиши ва тарқалишининг ташхислаш ва башоратлаш тизимлари ишлаб чиқилди.

5. Экологик мониторингнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосини Access реляцион маълумотлар базаси ташкил этади. Ушбу тизим давлат миқёсида зарарли организмлар бўйича экологик мониторинг олиб бориш учун хизмат қилади.

6. Замонавий деҳқончилик юритиш шароитида Андижон вилоятида учрайдиган ғалланинг зараркунанда ва касалликларининг турлари ва таркибига аниқлик киритилди.

7. Ғалла зараркунандалари ривожланишининг фенологик календарлари тузилиб, об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ривожланиши, тарқалиши ва зарар келтириш даражалари аниқланди.

8. Ғалла экинини зарарли организмларининг иқтисодий зарар келтириш чегараларини ҳисобга олган ҳолда уларга қарши кураш чоралари такомиллаштирилди.

9. Ғалланинг зараркунанда ва касалликларига қарши оптимал химоя ишловлари ўтказиш ҳажмини аниқлаш усули таклиф қилинди. Андижон вилояти миқёсида зарарли организмлар томонидан зарарланиши мумкин бўлган ғалла майдонлари ҳажмларини аниқлаш тавсия этилади.

10. Ғалланинг зарарли организмларига қарши химоя воситаларига бўлган талабини жорий ва кўп йиллик муддатлар учун режалаш усуллари асосида бугдойнинг сут-мум пишиш даврида кўпроқ ҳосил йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда ҳосилдорликни олдиндан аниқлашнинг математик моделини қўллаш тавсия этилади.

11. Ғалланинг зарарли организмлари ривожланишининг мониторинг тизими ишлаб чиқилган ва Андижон вилояти ўсимликларни химоя қилиш маркази фаолиятида жорий этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУСАЕВА ГУЛБАХОР МАКСУДОВНА

**РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТЕПЕНИ
ЗАРАЖЕННОСТИ ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР ВРЕДНОЙ ЧЕРЕПАШКОЙ
И РЖАВЧИНОЙ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/Qx355.

Диссертация выполнена в Андijanском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Яхьяев Хашим Касимович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Торениязов Елмурат Шерниязович**
доктор сельскохозяйственных наук

Исамиддинов Илхом Тулаевич
кандидат сельскохозяйственных наук

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «3» декабря 2020 года в 15-³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 541512). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «18» ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки номер 09.4 от «22» октября 2020 года).



Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

Э.Т.Бердиев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе пшеница является важным зерновым и кормовым растением, ежегодная посевная площадь которой составляет около 230 миллионов гектаров. Средняя урожайность этой культуры составляет 28-30 центнеров с гектара, а валовый урожай 600 млн. тонн. По данным Всемирной организации ФАО для обеспечения потребности населения Земного шара на зерно и мучную продукцию необходимо ежегодно увеличивать урожайность зерна на 2-2,5%¹. Исходя из этого, защита урожая зерновых культур от вредителей и болезней с применением современных информационных технологий является весьма актуальной проблемой.

С увеличением численности населения мира возникает ряд таких проблем, как дальнейшее увеличение объёма производимого зерна и мучной продукции и непрерывное обеспечение качественной продукцией, увеличение урожайности, снижения вреда, наносимого вредителями и болезнями. Поскольку в среднем 30-40% выращиваемой зерновой продукции теряется за счёт вредителей и болезней, это требует усовершенствования системы борьбы против вредных организмов³. Исходя из этого, необходимо автоматизирование процессов борьбы с вредными организмами при возделывании зерновых культур, использования современных информационных технологий в данной отрасли, быстрого сбора необходимой информации на требуемом уровне, её обработки и на этой основе принятия оптимальных решений, а также доведение их до пользователей.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, в качестве наиболее важной задачи, отмечено «...возделывание высокоурожайных, скороспелых сортов пшеницы на основе современных агротехнологий и увеличение объёма производства зерна и мучной продукции...»². Исходя из этих задач, необходимо применение современных информационных технологий при защите пшеницы от вредителей и болезней, применение прогнозирования автоматизированных систем по осуществлению контроля и широкого внедрения в сельскохозяйственное производство.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан № 116-П от 31.08.2000 г. «О защите сельскохозяйственных растений от вредителей, болезней и сорной растительности», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 571 от 09 июля 2019 г.

¹ www.fao.org. 2016.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

«Реализация единой государственной политики, системные меры по борьбе с вредителями и сорняками, агрохимические службы и защита почвы», «Разработка интеллектуальных технологий в сельском хозяйстве» Разработка инноваций для оцифровки сельского хозяйства и привлекает иностранные правительства, международные и иностранные организации и фонды для реализации, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 200 от 06 июня 2002 г. «О мерах по дальнейшему развитию компьютеризации и внедрению информационно-коммуникационных технологий», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В регионах возделывания пшеницы и других зерновых культур развитых стран мира, таких как США, Германия, Франция, Россия, КНР, Индия и страны Азии вопросами решения данной проблемы занимались ведущие ученые, в частности, J.Dinger, S.Hammad, L.Gavrilita, J.Klun, A.Spark, A.Burns, R.Mungomery, F.Paulian, А.Фролов, В.Войняк, Е.Хачатурова и др. В республике Узбекистан также велись значительные научные исследования такими учеными, как Н.Махмудходжаев, М.Рашидов, Б.Хасанов, А.Хамраев, А.Шералиев и др.

Однако, несмотря на высокую вредоносность вредителей и болезней зерновых бобовых культур на территории нашей страны, исследования по применению современных информационных технологий при борьбе против них, методам управления численностью вредных организмов при прогнозировании и разработке математических моделей проводились недостаточно.

Вопросы автоматизированного прогнозирования развития вредителей и болезней пшеницы и разработке систем экологического мониторинга с применением современных информационных технологий не изучались не только в Узбекистане, но в зарубежных странах.

